



ХАВАР

تېلېفون

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1995 йил, 14 апрель № 15 (140)

АЛОҚАЧИ-ЖАНГЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Маълумки, шу йил 9 Майда бутун ер юзида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланди.

Шу боис ҳам жойларда уруш қатнашчилари, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийлар билан тез-тез учрашувлар бўлиб турибди. Ана шундай учрашувлардан бири — Чирокчи туман почта алоқа боғламасида 20 йил почтачилик қилган уруш қатнашчиси Жўра Ёдгоров билан ўтказилди.

Учрашувда туман почта алоқаси боғламаси бошлиғи Кенжа Жуманов фахрий почтачи

Жўра отанинг ҳаёт йўли, заҳматли меҳнати ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг Жўра ота Ёдгоров йиғилганларга фронтда бошидан кечирган воқеалар, уруш таассуротлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Алоқачи-жангчининг Чехословакия ва Польша Республикаларини озод этиш учун олиб борилган жанглар тўғрисидаги хотиралари учрашув қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Санобар ТЕМИРОВА,
Қашқадарё вилояти

• Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига

ПОЧТА — ИНСОН ТАҚДИРИДА

Шу кунларда уруш ва меҳнат фахрийси Василий Петрович Решетниковнинг қувончи чексиз. Бир йўла қўшалоқ байрам — туғилган кунининг 80 йиллиги ва меҳнат фаолиятининг 60 йиллигини нишонламоқда.



...У асли Саратов шаҳрида таваллуд толган. Фаолиятини гардиши билан Решетниковлар оиласи уруш арафасида Тошкентга келиб қолган. Уша маҳаллар турмуш кечирishi осон эмасди. Дастлабки меҳнат фаолиятини почтачиликдан бошлаган 14 ешли йигитча катталарга қўмаклашиб, касбнинг нолик сирларини ўргана бошлади. Тошкент кўчалари бўйлаб хат-хабар ташиди. Шундан бўлса керак, Василий Петровичга бу йўл, бу кўчалар кадрдон бўлиб қолган.

Почтачилик қилиш билан бирга у кечки мактабда ўқиди. Зийрак ва меҳнатқашинги учун раҳбарлар уни алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди. Орадан кўп ўтмай 19 ешли алоқачи пул юбортмалари бўлимини бошқара бошлади.

Уша кунлар Василий Петровичнинг ҳамон едида. Эндигина Тошкент молия-иқтисод институтига кириш учун тайёргарлик кўраётганида уруш бошланиб қолди. Машъум уруш ҳаммининг ҳаётини ўзгартириб юборди. Барча қатори у ҳам армия хизматида чакирилди. Оғир жангларда бироз қатнашгач, унга почтачилик касби нафақат тинчлик кунларида, балки жангу-жадалларда ҳам муҳимлигини эслатишди. Орадан кўп ўтмай Василий Петровични ҳарбий дала почта хизматидаги катта масъулиятни туяган ҳолда барча топшириқларни бажаришга киришди.

Василий Петрович жойлашиб бўлимига бошлиқ этиб тайинлангандан сўнг янада матонат билан хизмат қила бошлади. Чунки бу ер махфийлаштирилган ташкилот бўлиб, барча ҳарбий қисмларнинг манзиллари ҳақидаги маълумотлар шу ерда сақланар эди. Фронт ортидан келган мактублар ҳам, жўнатмалар ҳам шу қисм туфайли ўз эгасига тезлик билан етказиб бериларди. Василий Петровичнинг айтишича, уруш йилларидаги дала почтаси ақл бовар қилмас ишларни амалга оширган. Ҳар дақиқа ўқлар егилиши мумкин бўлган оқоплар орасида юриш, жонини гаровга тикиб бўлса ҳам хат-хабарни эгасига етказиб бериш осон эмасди. Қанча-қанча биродарларидан айрилди, бир нечалари қўлсиз-оёқсиз қолишди.

Уруш ҳам поенига етаётгани учун 1944 йили В. П. Решетниковни фронт ортига — Тошкент почтасига бошлиқ қилиб жўнатишди. Шу вазифада у 30 йилдан ор-

тирок фаолият кўрсатди. Бир вақтнинг ўзида алоқа политехникумини, кейинчалик эса Халқ хўжалик институтини тугатди.

Тошкентлик кексалар бир қаватли Почтамтнинг шинамгина бизнесини ханузгача эслаша керак. Уша бино ўн йиллар давомида Республика почта хизматиининг энг йирик маркази бўлган. Почтачилар ишини ташкил қилиш, келаятган ва жўнатилаётган юбортмаларни қайта ишлаш, матбуот наشرларини мижозларга етказиб бериш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, янги техникалар жорий қилиш мана шу ерда амалга ошириларди. Василий Петрович зиммасидаги вазифаларни тўла-тўқис бажарибгина қолмай юзага келаятган муаммоларни ҳал қилиш учун ўзининг бутун куч-қуввати, иқтидорини аямади. Шунинг учун ҳам алоқа соҳасидаги кўплаб янгиликлар, таклиф ва иxtиролар муаллифи сифатида мутахассисларга танилди. Хусусан, матбуот наشرларини автоматлашган таксимотини ишлаб чиқди ва жорий қилди. Почтамт ходимлари ҳақида учта рисола чоп этди. В. П. Решетниковнинг фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланди.

Умр — оқар сув. Кексалар ўрнини фарзандлар, ешлар эгаллаши табиий ҳол. Ўз тақдирини мамлакат, халқ тақдирини билан пайваста этган В. П. Решетниковдай инсонлар ҳамиша ардоқлидир, биз ҳам у кишини қўшалоқ байрам ҳамда яқинлашиб келаятган Ғалаба кўни билан муборакбод этамиз.



Суратда: 50-АТСнинг кросс хизмати бўлими илгор ходимларидан бири Татьяна РАХМОНОВА мижозлар билан мулоқотда.

Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ВОҚЕАЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ХАВАРЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

• Германия Федератив Республикасининг Федерал Президенти Роман Герцог 11-13 апрель кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлди.

• Республикаимиз Президенти Ислоом Каримовнинг Президентлик ваколатини мuddати узайтирилгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин самимий табрик йўллади.

• Самарқанд Давлат дорилфунунида улуг адиб Ойбек таваллудининг 90 йиллигига атаб илмий-назарий конференция ўтказилди. Анжуманда Ойбекнинг ижодий фаолияти ва адабий меросининг муҳим қирралари хусусида сўз юритилди.

• "Ўзэкспомарказ" павильонида "Тиббиёт ва саломатлик-95" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тиббиёт кўргазмасида 25 мамлакатнинг 100 дан зиёд компаниялари иштирок этишди.

• Термизда ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро беллашув ўтказилди. Беллашувда Рустам Эргашев голиб деб топилди, унга Юртбошимизнинг мукофоти — "ТАЗ-31" Волга автомашинаси ҳада қилинди.

• Тожикистон парламентининг биринчи сессиясида Сафарали Ражабов Мажлиси Олий раиси этиб сайланди.

• Қирғизистонда Президент Аскар Акаев ваколатлари мuddатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан референдум ўтказиш учун фуқаролар ва депутатлар имзолари тўпланмоқда.

• Ереванда арман апостол черковининг янги раҳбари сайланди. У Сурияда тутилган 63 ешли Гарегин II дир.

• Белорусда 14 май кўни мамлакат парламентида сайловлар билан бир йўла референдум ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.

• Россия чет элларга курул-яроқ экспорт қилиш йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказишга ҳаракат қилмоқда.

• Йил бошидан бери жаҳон бозорыда пахтанинг нархи барқарор бўлиб турибди. АҚШнинг Нью-Йорк ва Буюк Британиянинг Ливерпуль шаҳарларидаги пахта биржаларида пахта толасининг 1 тоннаси 2 минг долларга яқинлашиб қолди.

ҚУТЛОВ

"Хабар" газетаси жамоаси газетанинг тахрир хайъати аъзоси Бобохон ШАРИФНИ "Голос Узбекистана" газетасига Бош муҳаррир этиб тайинлангани билан чин юракдан табриқлайди. Ҳамкасбимизга ушбу масъулиятли вазифада омад тилаймиз.

А. КУДИНОВ

Жумхуриятимиз фукаралари ўзлари истаган хорижий давлатлар билан телефон орқали боғланиш имкониятига эгадирлар. Бу борада Тошкент Халқаро Электр алоқа марказининг хизмати бекиёсидир. У ерда олиб борилаётган ишлар хусусида корхона бош муҳандиси **ҲАКИМ МУХИДДИНОВГА** бир неча савол билан мувожаат қилдик.

— Ҳақим ака, мустақилликдан сўнг дунёга келган ушбу марказда кўпгина ишлар амалга оширилибди. Шулар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Марказимиз 1991 йили дастлаб кичик давлат корхонаси сифатида ташкил топди. Ушанда мижозларимизни хорижий давлатлар билан фақат Москва орқали боғлардик. Айрим буюртмаларни бажариш анча қийин кечарди. Шунга ўхшаш қийинчиликларни эътиборга олиб, Япониянинг Мицуи фирмаси билан шартнома имзоланиб, Тошкентда НЭК фирмасида ишлаб чиқарилган халқаро телефон станциясини қуриш ишлари режалаштирилди. Шундан сўнг 1992 йили Халқаро фазовий телефон станцияси ишга туширилди. Кейинчалик Туркия билан ҳамкорликда яна битта шундай станция иш бошлади.

— Маълумки, шу кунгача марказда бир неча фазовий каналлар очилди. Йил бошидан бери қайси давлатлар билан янги халқаро сўзлашув йўллари ишга тушди?

— Марказимиз ходимлари ўз фаоли-

тини тобора кенгайтириб, янги-янги каналлар очиб устида тинмай иш олиб боришяпти. Жорий йилда Франция ва Америка давлатларига тўғридан-тўғри фазовий сўзлашув йўлини очдик. Илгари Францияга Япония ёки Германия орқали чиқардик. Энди эса бунга барҳам берилди. Бундай қулайлик ишимизни янада энгиллаштиришга олиб келди.

— Марказ фақат халқаро телефон алоқаси билангина шугулланганими ёки бошқа фаолият турлари ҳам борми?

— Хизматимиз қамрови кенг. Россия

бўляпти?

— Кейинги пайтларда етук мутахассисларни топиш муаммога айланмоқда. Шунинг эътиборга олиб, корхонамизда бир талай тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Ходимларимиз яхшигина маош олиб ишлашади. Байрам ва тантаналарда мукофотлар бериб борилади. Соғлигини тикламоқчи бўлганлар учун дам олиш уйларига йўлланма берилади. Хуллас, ишчи-ходимлар ҳар томонлама ҳимоя қилинган.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

телевидениеси ва радио алоқасини боғловчи фазовий станция ҳам марказимизга бириктириб қўйилган. Халқаро телефон станциямизда бир неча юзта алоҳида рақамлар бор. Уларни шартнома асосида республикаимиз ҳудудида жойлашган корхоналар, фирмалар, вазирликлар, чет эл элчихоналари ва фуқароларга ўрнатиб бериш қувватига эгамиз.

— Ҳақим ака, ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ишчи ходимларни ижтимоий ҳимоялаш қандай

— Республикаимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўси тобора ошиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бунинг корхонамиз мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Марказимиз фаолияти кун сайин кенгайиб бормоқда. Айни кунларда Исроилнинг энг катта "Безек" фирмаси билан рақамли радиоканал ташкил қилиш устида иш олиб борилаётган. Бундай режали дастур халқаро алоқа марказини яна бир станция билан боғлайди ва фазовий канал орқали Исроил билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаш имко-

нини беради. Жорий йилнинг иккинчи чорагида Англияга чиқадиган сўзлашув каналини кенгайтириш мўжжалланмоқда. Шунингдек, келгусида Бирлашган Араб Амирликлари ва Жанубий Корея давлатларига ҳам янги каналлар очиб режалаштирилган.

— Алоқа соҳасида Ўзбекистондек ёш давлатни дунёга танитишда сизларнинг ҳиссаларингиз қатта. Бирон-бир мамлакат билан янги каналлар очилаётганда ҳаёлингиздан нималар кечади?

— Ҳар бир хорижий мамлакат билан янги йўллар очилаётганда қалбимда мен тасвирлаб беролмайдиган ажиб бир туйғу пайдо бўлади. Шу юрт фарзанди эканлигимдан, уни дунё таниётганидан юрагим севинчларга тўлиб кетади. Шу йиллар мобайнида жуда кўп каналлар очилди. Бу Ўзбекистоннинг ютуғи. Аввало, алоқа соҳаси мамлакатни дунёга танитади.

Японияда хизмат сафарига бўлиб, у ерда телекоммуникация соҳасида олиб борилаётган жаҳоншумул ишларнинг гувоҳи бўлдим. Шарқнинг бутун телекоммуникация маркази ушбу мамлакат орқали ўтаркан. Уларни кўриб, қанийди Марказий Осиё бўлими Тошкентда яратилса дея орзу қилдим.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур. Эзгу тиллақларингиз ижобат бўлсин!

— Раҳмат!

Сўхбатдош Иззат АҲМЕДОВ

ҒАРОЙИБ ТЕРГОВ

Голландияда ҳибсага олинганларни телекўрсатув орқали тергов қилиш тажриба қилиб кўриломоқда. Ассен шаҳридаги қамоқхонада маҳбус видеокamera рўпарасига ўтказилгач, бош бинадаги судья ёки прокурор терговни бошлайди.

Голланд юристларининг фикрича, бу янгилик ҳибсага олинганларни керакли жойга келтириш билан боғлиқ харажатларни анча камайтириш имконини беради. Шунингдек, соқчиларга ҳожат қолмайди, маҳбуслар қочиб ҳам кетолмайди.

Ғаройиб терговнинг диққатга сазовор томони яна шундаки, судья айбланувчининг ҳолати, жавобларининг қай даражада ҳақиқатга тўғри келишини яхшироқ илғай олади.



Алоқа вазирлигининг Ихтисослашган лойиҳа-конструкторлик бюросига Республикаимиз вилоятлари ва МДХ мамлакатларидан жуда кўп буюртмалар тушаётир. СУРАТДА: Радиопайвандовчи Н. Г. Арутюнова ва пайвандчи А. Мороз иш устида.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Алоқа матбуот кўзгусида

ПОЧТА ОРҚАЛИ ОВОЗ БЕРИШАДИ

Финляндияда сайловчилар почта орқали овоз бериш имкониятига эга бўлишди. Бу ишда ташланган номзод учун махфий овоз бериш ҳуқуқи тўла қафолатланади. Мамлакатда олдиндан овоз беришнинг йўлга қўйилгани сайловчилар фаолигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар учта фуқародан биттаси ўзи учун қулай бўлган фурсатда почтага келиб, овоз бера олади.

КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС, АММО...

Америкадаги "Фобос" журнали ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Лотин Америкасида миллиардерларнинг кўплиги жиҳатидан Мексика карвонбошчилик қилмоқда. Ер юзидеги 385 нафар энг бадавлат ишбилармонларнинг 24 нафари шу мамлакатда яшайди.

Ута бадавлат кишилар орасида дунёда тўртинчи, Мексикада эса биринчи ўринни яқинда хусусийлаштирилган "Тельмекс" телефон компаниясининг президенти, 54 ешли Карлос Слим эгаллаб турибди. Сўнгги икки йил ичиде унинг бойлиги икки баробар ошди.

"Хабар" газетаси жамоаси таҳририятимизнинг фаол муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилояти бўйича масъул котиби Қамчибек КЕНЖАГА акаси Топшўлат КЕНЖАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗ БИЛГАН ШОҲУСАН АКА

Бу дўкон ёнидан ҳар кунни ўтаман. Сотувчисини танийман. Истараси иссиқ, кўзлари доим қулиб турувчи, хушмуомала одам.

Келган мижозлардан илқ сўзини дариг тутмайди. Ҳар кунги воқеа-ходисалардан бохабар бўлиб туради. Шунинг учун бўлса керак, Шоҳусан акани кўпдан бери танийдиганлар "муаллим" деб ҳазиллашиб қўйишади. Ярми ҳазил, ярми чин қилиб айтилган бу гапларнинг тагида қандайдир ҳақиқат борлигини эътироф этиш керак. Ҳақиқатан ҳам Шоҳусан ака ҳар кунги воқеа-ходисалар, дунёнинг ишларини синчиклаб қузатади. У мана йигирма йилга яқинлашибдики, Шайхонтоҳур туманидаги 193-рўзномалар дўкониде ишлаб келади. Шоҳусан ака билан анчадан буён суҳбатлашишни кўнглимга тугиб юрар эдим. Қулай вақтни топиб, ёнларига бордим. Бироз гаплашиб ўтирганимиздан сўнг Шоҳусан аканинг кенг феъли, одамхун инсонлиги аён бўлди.

— Касбининг яхши-ёмони бўлмайди. — дейди Шоҳусан ака. — Фақат меҳр керак, кўнрт керак. Одамлар билан мулоқот қилишни, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашиш-

ни хуш кўраман. Ҳаётда инсоннинг қандайдир ўз ўрни, ўз сўзи, қолаверса, бирон мақсади бўлиши керак. Шундангина инсон ҳаётда қокилмасдан, умрини мазмунли қилиб ўтказади. Тўғри, ҳозирги кунда баъзи одамлар учун ҳаёт сал қийин кечаётган бўлиши мумкин. Аслини суриштириб чиқсангиз бунга сабаб ўша одамнинг ўзи бўлиб чиқади.

— Нима учун?

— Чунки ўша одам ё дангаса ёки ношукур бўлади. Яратганининг ўзи шукр қилсанг менга, мен бераман сенга дер экан. Одам доим ҳаракатда бўлиши, ўйлаши, изланиши керак.

— Олаётган маошингиз етаяптими?

— Албатта, ҳозир иқтисодни ўйламаган одамнинг ўзи йўқ. Маошим шукр, рўзгор тебратишга етиб турибди. Қолаверса, ишхона томонидан ег, шакар, гўшт ва шу каби ҳар хил озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланиб турибмиз. Раҳбарларимизга раҳмат, ҳар ҳолда, бирон нарса зарур бўлиб қолса, топиб беришади. Лекин ҳозирги кунда фақат корин гами билан яшаб бўлмайди-ку, ахир.

Маънавиятимизни ҳам ўйлаш лозим...

— Қайси нашрларнинг "бозори чаккон"?

— Ҳозир "Туркистон", "Ватан", "Ўзбекистон адабиети ва санъати" газеталарининг мухлислари кўп. Лекин бир гапни айтишим керакки, рўй-рост езилган мақола қайси газета ёки журналда чоп этилмасин, ўқувчи барибир уни излаб-қидириб, топиб ўқийди. Журналистлардан ўткир, ҳозирги кун талабига жавоб берадиган мақолалар езишини сўрардим. Сабаби, мана, мустақил бўлганимизга ҳам тўрт йил бўляпти. Унчамуча йўлни босиб ўтганимиз йўқ, албатта. Ўйлайманки, ҳамма қийинчиликлар ортда қолади, лекин шунга қарамай келажакни ўйламадан иложимиз йўқ. Бунинг учун эса ҳаётни олдиндан кўра билиш, унга қараб интилиш керак. Албатта, бу борада матбуот ходимларидан катта меҳнат, катта изланиш талаб қилинади. Чунки улар ҳаётнинг энг илгор вакиллари.

Абдувазз ИСМАТОВ суҳбатлашди

